



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 25 февраль, № 38 (9209)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСЬ БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Беларусь Республикаси Бош вазири Александр Турчинни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди. Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Хамкорлик, айниқса, савдо-иқтисодий соҳада юқори даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йили товар айирбошлаш 25 фоизга ўсиб, қарийб 1 миллиард долларга етди. Етакчи компанияларнинг устувор тармоқлардаги кооперацияси кенгайиб бормоқда. Машинасозлик, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда

бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш орқали иқтисодий ҳамкорликнинг янги кун тартибини шакллантириш муҳим экани таъкидланди. Шунингдек, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуларни фаоллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ ТАШАББУС ВА ИНТИЛИШЛАРИ ДОИМИЙ Қўллаб-қувватланади

Кўксарой қароргоҳида 24 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқоти бўлиб ўтди.

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги студиялар орқали 60 мингдан зиёд ёшлар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни самимий қўллаб-қувватлади, 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини таъкидлади. Барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-хунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, ғоя, лойиҳа ҳамда стартапларига қўмақ бериш, уларни ишли ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаши, бирорта йиғит-қизини эътиборсиз қолдирмаслиги зарурлиги қайд этилди.

Йиллар давомида яратилган имкониятлар натижасида ёшларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медалини қўлга киритди. Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби нуфузли олийгоҳларда тахсил олаётган талаба ёшларимиз 500 нафардан, “ТОП — 100” талиқдаги олийгоҳларда ўқийётган йиғит-қизларимиз 3,5 минг нафардан ошди. Ёшларимиз яратган 63 та стартап лойиҳаси АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Бирлашган Араб Амирликлари бозорларига кириб борган. Ёш спортчиларимиз халқаро аренада 720 та олтин, 671 та кумуш, 854 та бронза медалининг соҳиби бўлди. Бугун ёш тадбиркорлар юртимиздаги бизнес вакилларининг 35 фоизини ташкил этмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексида энг тез суръатларда ривожланаётган давлат деб эътироф этилгани бежиз эмас. Жорий йилда Тошкент шаҳрида Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳи очилиши, Самарқанд Ёшлар парламенти аъзоларининг 12-глобал конференцияси, “Take Off” халқаро стартап саммити ва 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилиши бу мақомни янада мустаҳкамлайди. Давлатимиз раҳбари ҳар йили 600 минг ёш меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1 миллионга етишини қайд этиб, ёшларга ўз имконияти ва қизиқшига мос иш топиши учун шароит яратиш энг муҳим масала эканини кўрсатиб ўтди.

Утган йили ёшлар бандлигини таъминлаш учун банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 миллион доллар йўналтирилгани, “Ёшлар бизнеси” ва “Келажакка қадам” дастурлари ҳисобидан 15 минг нафар ёш ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, 50 минг кишини иш билан таъминлагани таъкидланди. Бу ишларнинг давоми сифатида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилиши эълон қилинди.

Бунда молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилади: ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилади. Ёш тадбиркорларнинг лойиҳалари учун 10 миллиард сўмгача кредит ажратиш мумкин бўлади. Инновацион стартап лойиҳаларига 100 минг долларгача инвестиция киритишга руҳсат берилди.

Сервис ва умумий овқатланиш соҳасида 1 мингдан зиёд иш ўринлари яратган маҳаллий брендлардан франшиза олиб, филиал очишга қизиққан ёшлар учун қўлай молиялаштириш пакетлари жорий қилинади.

Жорий йилдан “Келажақ тадбиркори” дастури ишга туширилиб, ёш тадбиркорларга 7 йил муддатгача 15 фоизли кредит ажратиш йўлга қўйилади. Хусусан, ўзини ўзи банд қилган ёшларга гаровсиз 20 миллион сўмгача, тадбиркорлик кўникмасига эга бўлиб бизнес бошлаётганларга 300 миллион сўмгача, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 миллиард сўмгача, камида 5 нафар битирувчинини ишга олган тадбиркорларга эса 10 миллиард сўмгача кредит берилиши белгиланади.

Шунингдек, тадбиркорликни энди бошлаётган ёшларнинг 30 фоизи бизнес кўникмаси етишмаслиги сабаб қийинчиликка учраётгани қайд этилди. Шу боис ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш, ғояни бизнесга айлантириш, бухгалтерия, банк, маркетинг, ички ва ташқи бозорларга чиқиш бўйича комплекс хизмат кўрсатадиган “Ёшлар бизнес инкубатори” ташкил этилади.

Нуфузли хорижий олийгоҳлар илгор тажрибалар асосида ёшларни тадбиркорликка ўқитишда ҳамкорлик қилишга тайёр экани қайд этилиб, камида 40 минг ёшни бизнесга ўргатадиган “Янги авлод тадбиркорлари” дастурини бошлаш белгиланди. Дастурни муваффақиятли тугатган энг яхши 1 минг нафар ёшнинг лойиҳасига уч йил муддатга 200 миллион сўмгача 7 фоизли ссуда берилди.

Сенат кўмиталарида

ОМБУДСМАН ФАОЛИЯТИГА БАҲО БЕРИЛДИ

Парламент юқори палатасининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг қўшма мажлисида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси муҳокамага тортилди.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ўтган йилда Омбудсманга келиб тушган мурожаатлар сони 2024 йилдагига қараганда 12,6 фоиз ошган. Уларнинг 32,3 фоизи иқтисодий муаммолар юзасидан йўланган ва ушбу мазмундаги мурожаатлар ўтган йил билан таққослаганда 26,3 фоиз кўпайган.

Худудлар кесимида энг кўп мурожаат Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрига тўғри келади. Такрорий мурожаатлар

сони 2024 йилдаги нисбатан 1,1 фоиз камайган. Парламент назорати субъекти сифатида Омбудсман томонидан назоратга олинган мурожаатларнинг 26 фоизи ижобий ҳал қилинган.

2025 йилда 194 та таъсир чораси қўлланилган, шундан 36 та тақдимнома, 24 та ҳулоса, 12 та талабнома, 4 та оголантириш ҳамда 118 та ариза ва даъво аризаси киритилган бўлиб, уларнинг 82 фоизига ижобий ечим топилган.

ТАЪСИРЧАН ВА САМАРАЛИ ҲИМОЯ МЕХАНИЗМИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси мажлисида парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашда Омбудсман институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Келиб тушаётган мурожаатлар, қўриб чиқилган масалалар қўлама ва улар бўйича эришилган натижалар шундан дарак бериб турибди. Бу эса Омбудсман институти аҳоли учун таъсирчан ҳимоя механизмига айланиб бораётганини кўрсатмоқда.

ЮКСАК ПАРВОЗ ВА ЮТУҚЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Кўксарой қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан бўлиб ўтган учрашув доирасида мамлакатимизда навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг касб-хунар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида қатор муҳим ташаббусларни эълон қилди.

Президентимиз Ўзбекистон ёшлар тараққиёти глобал индексида энг тез суръатларда ривожланаётган давлат сифатида эътироф этилганини таъкидлаб, бу борадаги ишларда жаҳон тажрибаси ва инновацияларни кенг қўллаш зарурлигини айтди. Шу муносабат билан, Тошкент шаҳрида Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳи очилиши, Самарқанд Ёшлар парламенти аъзоларининг 12-глобал конференцияси, “Take Off” халқаро стартап саммити ва 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига мезбонлик қилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Президент мамлакатда ҳар ҳафтанинг пайшанбаси “Ёшлар куни” этиб белгиланишини, бу санада вазирлик, идора ва ҳокимлик раҳбарларининг маҳалла, мактаб ва техникумларга бориб, ёшларнинг муаммо ва тақлифларини тинглаб, уларга ечим топиши лозимлигини эълон қилди.

Муносабат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА СТРАТЕГИК РЕСУРСИ

Дунё бугун кескин демографик бурилиш даврини бошдан кечирмоқда. Ривожланган давлатларда туғилиш даражаси пасайиб, меҳнат ресурслари қисқариб бораётган бир пайтда ривожланаётган мамлакатларда ёшлар сони мисли қўрилмаган даражада ортмоқда.

Жаҳон банки прогнозига кўра, яқин 10 — 15 йил ичида ривожланаётган давлатларда 1,2 миллиард нафар ёш меҳнат бозорига кириб келади. Айна шу жараёнлар фондида Президентимиз томонидан айтилган фикр алоҳида аҳамият касб этади: “Юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз тимсолида биз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кучни кўраимиз”.

Бу оддий статистика эмас. Бу давлат стратегияси, узок муддатли тараққиёт концепцияси ва миллий хавфсизлик омилдир. Чунки XXI асрда давлатларнинг қудрати фақат табиий ресурслари ёки саноат қувватлари билан эмас, балки инсон капитали, айниқса, ёшлар салоҳияти билан белгиланмоқда. Бугун кўплаб ривожланган мамлакатлар аҳолининг қарши муаммосига дуч келмоқда.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ РАҲБАТЛАНТИРИЛАДИ

Мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар тизимли давом эттирилади.



Шу билан бирга, сервис ва умумий овқатланиш тармоғида 1 мингдан зиёд иш ўринлари яратган маҳаллий брендлардан франшиза олиб, филиал очишга қизиққан ёшлар учун қўлай молиялаштириш пакетлари жорий қилинади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ВА ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Болалар омбудсманининг 2025 йилдаги бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик давлат органлари томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси қўриб чиқилди. Ов қилиш ва овчилик ҳўжаликлари фаолиятини, шунингдек, ёнги хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга, суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтиришга оид қонун лойиҳалари ҳам қизғин муҳокамадан ўтказилди.

Вакилнинг маърузаси кўриб чиқилди

Мажлисида дастлаб Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани)нинг 2025 йилдаги бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик давлат органлари томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси қўриб чиқилди. Таъкидланганидек, сўнги йилларда мамлакатимизда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъмин-

лаш, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимиз раҳбарлигида болалар фаровонлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида тарихий ислохотлар амалга оширилди.

НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ ТАШАББУС ВА ИНТИЛИШЛАРИ ДОИМИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Хар йили “Ёш тадбиркорлар” танлови ўтказилиб, энг яхши 100 та лойиҳани брендга айлантириш учун “Ёшлар венчурс” жамғармасидан 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади.

Жорий йил 1 мартдан янги иш бошлаётган ёш тадбиркорларга инфратузилмага уланиш билан боғлиқ давлат хизматларининг харажатлари Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

Ижтимоий ташаббуслар бўйича “Фикрингни бер (Voice Up)” инклюзив оромгоҳи таърифи кенгайтирилиб, уни ҳар бир ҳудудда ўтказиш ва 1 минг нафар ёшларни қамраб олиш, энг яхши ташаббусларни иштирокчида Самарқанд шаҳрида Халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

“Ўсиш ва ривожланиш (Upshift)” лойиҳаси доирасида бу йил медиа, дизайн, хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва инновация йўналишларида ҳам танлов ўтказилади. Энг яхши 40 та стартапни молиялаштириш учун 2 миллиард сўм ажратилади.

Техникумларда таълим дастурларини янги бериш талаби асосида янгилаш, дуал таълимнинг қаровини кенгайтириш, моддий-техник базани яхшилаш бўйича вазифалар белгиланди.

Техникумларга ҳам олийгоҳлар каби “spin-off” очигина рухсат берилиб, ўқувчиларнинг стартап лойиҳаларига 1 миллиард сўмгача ажратилади. Жорий йилдан техникум ўқувчилари учун ҳам “Ишла ва саёҳат қил (Work and travel)” дастури асосида 6 ой хорижда ишлаб, кўшимча даромад топиш имконияти яратилади, иштирокчиларга йўлиқара харажатлари учун сўда ажратилади.

Хорижий тил сертификатига эга ёшларни қўллаб-қувватлаш механизми самара бергани таъкидланиб, сертификат олган ёшлар 600 мингдан ошгани, хорижий тилларни мукамал билдирган 72 минг инструктор шаклланиши айтилди. Хусусий ўқув марказларининг сони 3 қарра кўпайиб, 38 мингдан ошган.

Хусусий ўқув марказлари уюшмасини ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланиб, уюшма аъзоси бўлган марказларга биносини ижарага берган тадбиркорлар ижарадан олинмаган даромад ва фойда солигини тўлашдан озод этилади. Бундай марказлар ўқитувчиларини илгор таълим марказларига стажировкага юбориш амалиёти йўлга қўйилади.

“Кўмак” дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув марказларининг фаолиятини кенгайтириш учун 300 миллион сўмгача

фоизсиз сўда берилади. Олис ҳудудлардаги ўқув марказлари ижтимоий солиқни 1 фоиз, ўқитувчилар даромад солигини 7,5 фоиз миқдорда тўлайди (ҳозир 12 фоиз).

Жойларда эҳтиёжманд оилалардаги ёшларни бепул ўқитадиган ўқув марказларига кўшимча имтиёзлар берилиши белгиланади: ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади, коммунал харажатларининг ярми қоплаб берилади, ўқитувчиларга тўланган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ “кешбек” тарикасида қайтарилади.

Волонтерлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда ҳуқуқий асослар яратилгани ҳисобига волонтер ёшлар 5 қарра кўпайиб, экология, тиббий хизмат, таълим, фавқулодда вазиятларда кўмаклашиш йўналишларидаги волонтерлар сони 100 мингдан ошгани айтилди.

Волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича Василий кенгашини тузиш, Ёшлар ишлари агентлигида Волонтерликни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш режалаштирилди. Жамғармага ҳар йили бюджетдан 20 миллиард сўм, кўшимча равишда маҳаллий бюджетлардан 3 миллиард сўмдан ажратилади. Шунинг ҳисобидан волонтерлик лойиҳаларига 100 миллион сўмгача грант берилади, “Ижтимоий

фаоллик картаси” орқали балл тизими жорий этилади.

Ингиллишда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, китобхонликни оммалаштириш масалалари ҳам кўтарилди.

Ёш оилалар учун уй-жой ипотека дастури доирасида кредит ставкасининг 14 фоиздан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилиши айтилди.

Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси орқали энг истеъдодли ёзувчиларга ижодий буюртма бериб, бир йил давомида ойига 20 миллион сўмдан ҳақ тўлаш, энг сара хорижий адабиётни ўзбек тилига ҳамда миллий адабиётни хорижий тилларга таржима қилиш ва чоп этиш харажатининг ярмини қоплаш белгиланди.

Янги ўқув йилига қадар энг яхши 100 та асардан иборат тўпламни тайёрлаб, барча мактаб ва техникумларга етказиш, энг фаол китобхон ўқувчиларни 10 миллион сўмдан мукофотлаш вазифаси қўйилди.

Кутубхона, “book safe” ва китоб дўкони очиб, ойига 10 минг дондан ортик китоб сотувини йўлга қўйган тадбиркорларга 3 йилга 1 миллиард сўмгача 7 фоизли сўда бериш механизми назарда тутилди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ёшларнинг жамиятга тез мос-

лашиши учун “Иккинчи имкон” лойиҳаси бошланиши маълум қилинди. Унга кўра 8 — 12 ойлик интенсив курсларда дастурлаш, веб-дизайн, компьютер муҳандислиги, бошқа касблар ва хорижий тилларга ўқитиш орқали даромадли ишга эга бўлишига шарт-шароит яратилади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг турли соҳаларга оид тақлиф ва ташаббусларини тинглади.

Тадбир давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари ҳам ошитилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган ёшлар билан мулоқот доирасида “Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап” — “President Tech Award” лойиҳаси голибларининг тақдимоти билан танишди.

Мазкур танлов Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология парк дирекцияси томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги кўмагида 2023 йилдан бошлаб ўтказиб келинмоқда. Унинг умумий мукофот жамғармаси 1 миллион долларни ташкил қилади.

Танловда сунъий интеллект, ижтимоий технологиялар, “MicroSaaS” ва “AdTech”, молиявий технологиялар ва тадбиркорлик, ўйин дастурлари ҳамда

маҳсул йўналиш — ҳақатон бўйича энг намунали лойиҳалар танлаб олинди. Илк ташкил этилган танловда тўрт мингдан зиёд иштирокчилар қатнашган бўлса, 2025 йилга келиб иштирокчиларнинг сони олти мингга яқинлашди. Жамоаларнинг сони эса 444 тадан 862 гага етди.

Давлатимиз раҳбарига танлов голиблари ўзларининг стартап лойиҳалари, уларнинг афзалликлари ва амалий самараси хусусида сўзлаб берди.

— Биз кичик стартаплар катта-катта лойиҳаларга, даромадли бизнесга айланиши учун зарур шароитларни яратиб беришга тайёрмиз. Бунинг учун ҳар бир стартапчи билан мулоқот қилиш, унга керакли ёрдамни кўрсатиш лозим, — деди Президент.

Ёшларнинг қизиқликлари қўллаб-қувватлаш орқали келажак касбларига замин яратилаётгани, дунё давлатлари ҳам ёшларнинг стартап лойиҳаларига алоҳида қизиқиш билдираётгани таъкидланди.

Президентимиз стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга маблағлар янада кўпайтирилишини айтиб, ёшлар ўзларининг янги ҳақатон ва гоилар билан янада қайси соҳа ва йўналишларда изланиши кераклиги юзасидан тавсияларини берди.

Ў.А.

ОМБУДСМАН ФАОЛИЯТИГА БАҲО БЕРИЛДИ



шаҳар ва туманда тарғибот тадбирлари уюштирилган ҳамда оммавий ахборот воситаларида 4,7 мингдан зиёд чиқишлар амалга оширилган. Бу 2024 йилдаги нисбатан қарийб мингтага кўп.

Муҳокама жараёнида сенаторлар Омбудсманга таъсир чораларини қўллаш самарадорлигини ошириш, муҳожаатлар билан ишлаш сифатини яхшилаш, назорат ва ижро интимионини мустаҳкамлаш, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштириш ҳамда масъулият ва ҳисобдорликни кучайтириш бўйича тавсиялар берди.

Ингиллишда ушбу масала бўйича кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган муассасаларга 954 та мониторинг ташири аналга оширилиб, суҳбатлар ташкил этилган. “Омбудсман мактаби” лойиҳаси доирасида республика бўйлаб 124 та

ЮКСАК ПАРВОЗ ВА ЮТУҚЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Энг фаол, иқтидорли ва ташаббускор ёшлар учун турли танловлар, ярмаркалар, грант ва молиявий қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилади.



Бундан ташқари, мамлакатимиз етакчиси стартап ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий ўқув марказлари фаолиятини кенгайтириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва жазо муддатини ўтаган ёшларни жамиятга мослаштириш каби масалаларда кенг қамровли ташаббусларни ҳам эълон қилди.

Дарҳақиқат, жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаб бўлган ёшларнинг ижтимоий ҳаётга тез мослашишини таъминлаш муҳим масалалардан бири. Шу мақсадда бундай ёшлар 8 — 12 ойлик интенсив курсларда дастурлаш, веб-дизайн, компьютер муҳандислиги, бошқа касблар ва хорижий тилларга ўқитиш, даромадли ишга эга бўлади. Мазкур тизим 1 июндан Навоий, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида, келаси йилдан эса барча ҳудудда жорий қилинади.

Ушбу учрашув мамлакатимизда ёшлар сиёсати устуворлигини яна бир бор тасдиқлади. Келажакимиз эгалари учун яратилаётган бундай имкониятлар ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни касб-ҳунар ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ижтимоий фаолигини ошириш ҳамда халқаро майдонда рақобатбардор кадрлар етиштириш учун энг имкониятлар яратилади. Бу, ўз навбатида, ёш авлод вакилларининг юксак парвози ва кўлга кiritиладиган ютуқлари учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Малика ҚОДИРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси.

ТАЪСИРЧАН ВА САМАРАЛИ ҲИМОЯ МЕХАНИЗМИ

Қайд этилганидек, Омбудсманга 2025 йилда 26 372 та муҳожаат келиб тушган. Уларнинг 284 таси фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тегишли. Ушбу муҳожаатларнинг 48 таси парламент назорати субъекти сифатида Омбудсман томонидан алоҳида назоратга олиниб, атрофли-ча ўрганилган.

Муҳожаатлар мазмунига кўра фуқароларнинг атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқлари, тоза ичимлик суви билан таъминланиш, санитария-эпидемиологик осойишталик, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлардан иборат. Омбудсман томонидан бу борада қонунийлик нормалари ва қоидаларни бузилишининг олдини олиш чоралари қўрилган.

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Қонун билан Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурига ўтказилганлиги муносабати билан “Уруқчилик тўғрисида”ги ва “Ўзбошимчилик

билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонунларга таҳририй ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги мева-сабзавотчилик йўналишидаги маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектлар, иссиқхона ҳўжаликлари ҳамда тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб фуқаролик, иқтисодий ва мазмурий суларга давло-шиқоятлар киритилган да давлат божини тўлашдан озод этилишини назарда тутадиган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Сузга чиққанларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавотчилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, аграр соҳадаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Яқунда қўрилган масалалар юзасидан кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СЎЗЛАРИДАН БАЛАНД РУҲ ОЛДИК



Президентимизнинг ёшлар билан ўтказадиган ҳар бир учрашуви юртимизда ёшларга эътиборнинг устуворлигини яна бир бор тасдиқлаб, уларнинг таълим олиши, тадбиркорлик қилиши, ижтимоий фаолияти ва маънавий ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилади.

Хусусан, бу галги мулоқотда таъкидланганидек, хорижий тил сертификат олган ёшлар учун имтиҳон ва ўқиш харажатлари қопланиши йўлга қўйилгани уларнинг билим сифатини ошириш ва касбий салоҳиятини рўёбга чиқаришда катта самара берган. Бунинг натижасида сертификатга эга ёшлар сони 600 мингдан ошиб, 72 мингга юқори малакали инструктор шаклланиган.

Ёшларнинг қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва ижодкор ёшларга грантлар тақдим этиш, шунингдек, жамоат ишларига йўналтирилган ёшларни ижтимоий интеграция қилиш мақсадида “Иккинчи имкон” дастури йўлга қўйилиши ҳам ҳаётини ташаббуслардан бўлди, десак, айна ҳақиқат.

Мамлакат тараққиётида фаол иштирок этишга ундовчи бундай ташаббуслар эртаимиз эгаларининг индивидуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни касб-ҳунар ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш, ижтимоий фаолигини ошириш ҳамда ёшларни халқаро майдонда рақобатбардор кадр сифатида етиштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу каби тизимли ёндашув ёшлар билан самарали мулоқот ўрнатилди, уларнинг гоё, лойиҳа ва стартапларини қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожига ҳисса қўиши билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг ёшлар билан мулоқотидан руҳланган ҳолда Ёшлар парламенти аъзолари навқирон авлод масалаларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гоё ва ташаббусларини рўёбга чиқаришда қамраб ола билади деб ишонтирадим.

Иброҳимжон ЖўРАБОВ, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА СТРАТЕГИК РЕСУРСИ

Мехнатга лаёқатли аҳолининг қисқариши иқтисодий ўсиш суъятларини секинлаштирипти. Ўзбекистон эса аксинча, том маънода, ёшлар мамлақати. Демография нуқтаи назаридан, бу “демографик дивиденд” ҳисобланади. Шу боис юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг марказига қўйилган.

Кеча давлатимиз раҳбари ёшлар билан ўтказилган мулоқотда устувор вазифаларни аниқ белгилаб берди. Хусусан, ҳар бир вазир, ҳоким, олий таълим муассасаси ректори, техникум ва мактаб директори ўз ҳудудидаги ёшлар тақдири учун шахсан жавобгар экани қайд этилди. Бу эса ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, хорижий тилларни эгаллашга кўмаклашиш, спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш, гоё ва стартапларини қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, уларни барқарор иш ҳамда даромад манбаи билан таъминлашга қаратилган аниқ ва амалий чораларни аналтади.

Бу ёндашув ёшлар сиёсатини алоҳида дастур даражасидан чиқариб, давлат бошқарувининг реал иқтисодий сиёсатига айлантирди. Чунки замонавий иқтисодиёт фақат завод ва инфратузилма куриш билан эмас, билим, инновация ва ташаббус билан ривожланади. ИТ, хизматлар соҳаси, креатив иқтисодиёт, тадбиркорлик — буларнинг барчаси ёшлар билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун стартаплар, грантлар, имтиёзли кредитлар,

ўқув марказлари, мономарказлар ва технопарклар майдонларни кенгайтириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим қисмига айланди.

Айни пайтда ёшлар сиёсатида мутлақо янги бошқарув ёндашуви қарор топмоқда ва ҳар бир ёш билан индивидуал ишлаш тамойили амалиётга жорий этилаётир. Ёшларнинг қизиқишлари, танлаган касби, мавжуд муаммолари ва салоҳиятини келиб чиққан ҳолда манзилли ишлаш тизими шакллантирилмоқда. Бу давлат ва фуқаро ўртасидаги мулоқотни янада яқинлаштириб, ўзаро ишончини мустаҳкамлайди ҳамда жамиятда барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ёшлар масаласи фақат таълим ёки бандлик доирасидаги ижтимоий вазифа эмас. Бу давлатнинг эртанги кунини, сиёсий барқарорлигини ва иқтисодий қудратини белгилаб берувчи ҳал қилувчи омилдир. Янги Ўзбекистоннинг муваффақияти эса ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган изчил ислохотлар билан таъминланмоқда.

Отабек МУСУРМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Сенатор сўрови ҚАРОВСИЗ ҲАЙВОНЛАР МУҲОФАЗАСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида дайди ҳайвонларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва парвариш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Фуқаролик жамияти ва фаоллар ўз маблағлари ҳисобидан ёки ташаббуслари асосида қаровсиз ҳайвонлар учун бошпаналар ташкил этиб, уларни парвариш, эмлаш ва даволаш ишларини амалга оширмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар пойтахтда қаровсиз ҳайвонларни сақлаш ва парвариш учун мавжуд инфратузилма етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Хусусан, парваришхоналари сони ва синими мавжуд эҳтиёжни тўлиқ қопламайди. Айрим ҳолларда шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари томонидан бундай жониворларни овлаш, сақлаш ҳамда ўлганларини йўқ қилиш жараёнини ташкил этишда камчиликлар кузатирилмоқда.

Бундан ташқари, айрим фуқаролар ҳайвонларга нисбатан шифоқсиз муносабатда бўлаётгани жамоатчиликда ҳақли эътироз уйғотмоқда. Мазкур ҳолатларни инobatта олиб Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология

кўмитаси раиси Анвар Тўйчиев Тошкент шаҳар ҳокими номига сенатор сўрови юборди.

Унда Тошкент шаҳрида қаровсиз ҳайвонларни сақлаш ва парваришлаган мўлжалланган питомниклар ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар, мавжуд парваришхоналарнинг сони ва синими, ушбу соҳага ажратилаётган маблағлар, масъул идоралар ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, нодавлат ноҳижорат ташкилотлари ва фаоллар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси режалар юзасидан асосланган маълумот тақдим қилиш сўралган.

«Халқ сўзи».

КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ЗАМОНИ

Қайси мамлакат тараққиёт йўлини танласа, ислохотларининг барқарор бўлишини истаса, аввало, ёшларга таянади — уларга ишонч билдиради, иқтидорини рўёбга чиқариш учун имконият яратилади. Шу боис давлатимиз раҳбари ёшларга оид давлат сиёсатини Янги Ўзбекистонда энг устувор йўналиш сифатида белгилаб келмоқда.

Президентимиз ҳар йили навқирон авлод билан бир неча маротаба учрашиб, уларнинг тақлиф ва ташаббусларини тинглаб, амалиётга татбиқ этиб келаятгани — айнаш суёсатининг энг муҳими. Йигит-қизларимиз ҳам ўз навбатида, бу эътибор ва ишончга муносиб жавоб бермоқда.

Яратилган имкониятлар натижасида улар жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медалини кўлга киритди. Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби дунёнинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олаётган ёшларимиз 500 нафардан

ошди. Буларнинг барчаси сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшларга оид олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ёшлари билан мулоқотида ҳам эртаимиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир муҳим аниқликлар тилга олинди. Янги-янги ташаббуслар, тақлифлар илгари сурилди. Хусусан, жойларда эҳтиёжманд оилалардаги

ёшларни бепул ўқитадиган ўқув марказларига кўшимча имтиёзлар берилиши минг-минглаб йигит-қизларнинг айнаи дилидаги гап бўлди. Яъни ер ва мол-мулк солиғидан озод қилиниши, коммунал харажатларининг ярми қоплаб берилиши, ўқитувчиларга тўланган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ “кешбек” тарикасида қайтарилиши улар учун катта имконият ва рағбат бўлади.

Қайд этиш жоизки, ахборот хуружлари авж олаётган бугунги даврда ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш масаласи долзарб вазифага айланмоқда. Шу маънода, бу йўналишда ишларни янги босқичга олиб чиқиш учун Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси орқали энг истеъдодли ёзувчиларга ижодий буюртма берилиши ва бир йил давомида ойига 20 миллион сўмдан ҳақ тўланиши энг тўғри ва оқилона қарор бўлди деб ўйлайман.

Энг сара хорижий адабиётларни ўзбекчага, миллий адабиётларни хорижий тилларга таржима қилиш ва чоп этиш харажатининг ярми қопланиши ҳам миллий маънавиятимизни бойитиш, китоб бозорини кенгайтириш ҳамда ўзбек адабиётини дунёга олиб чиқиш учун катта рағбат бўлади.

Умуман олганда, мулоқотдаги устувор йўналишлар битта мақсадга хизмат қилади: ҳар бир ёш учун таълим, касб, иш, даромад ва келажак қароватини яратиш. Биз, депутатлар бу ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда жойларда реал натижа бериши, ҳар бир ҳудудда “ёшлар учун имконият” амалда ишлаш учун бу борадаги харажатлар устидан парламент назоратини кучайтиришимиз лозим бўлади.

Шаҳноза ХОЛМАҲАММОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ВА ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР



11-12 сентябрь кунлари биринчи халқаро форум ўтказилган. Ушбу тадбир якуни бўйича минтақавий ҳамкорликнинг мустақам асоси сифатида Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Болалар омбудсманлари томонидан "Марказий Осиё давлатларида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг кучайтиришнинг долзарб масалалари" мавзусидаги биринчи халқаро форумнинг декларацияси имзоланган.

Депутатлар томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ўтган йилдаги фаолияти якунилари ҳамда давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш ҳолати ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, бола манфаатларини таъминлаш фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қатор тавсиялар берилди.

Мажлисида сиёсий партиялар фракциялари вакиллари ҳам Болалар омбудсмени маърузаси юзасидан ўз муносабатларини билдириб ўтди. Мунозаралардан сўнг кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Гавҳар ОЛИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Болалар омбудсминининг Қонунчилик палатасига тақдим қилган маърузаси дастлабки тарзда кўмитамиз, сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида ва кўйи палатанинг ялпи мажлисида атрофлича кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотлар ва аниқ манзилли чоралар натижасида давлат органлари фаолиятида боланинг қонуний манфаатларини таъминлаш борисида сезиларли ютуқларга эришилмоқда.

Бугунги кунда нуфузли халқаро ташиқилотлар ҳам Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлаш масаласида самарали сўбат олиб борилаётгани ва бу учунчи Ренессансга муҳим пойдевор бўлаётганини алоҳида эътироф этиб, айна йўналишдаги тарихий ислохотларни кенг қўллаб-қувватламоқда.

Болалар омбудсминининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда самарали институтга айланиб бораётгани ҳамда унинг Қонунчилик палатаси билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилгани болалар манфаатларини қонунчилик даражасида таъминлашда муҳим ўрин тутаяпти.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш жараёнида ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, болалар манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини таҳлил қилиб, ўз тақлиф ва хулосаларини Қонунчилик палатаси кўмиталарига тақдим этапти.

Болалар омбудсмени ва Қонунчилик палатаси ўртасидаги ҳамкорлик болалар манфаатларини таъминлашда муҳим институционал механизм бўлиб, бу, ўз навбатида, қонунларнинг сифатини ошириш, болалар ҳуқуқларини амалий ҳимояга олиш ва бу борада масъулиятли муносабатни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Сурайё РАҲМОНОВА, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмени):

— Болалар омбудсминининг асосий вазифаларида бири — давлат ва жамиятнинг барча бўғинларида бола манфаатларини илгари суришдир. Зеро, бола ҳуқуқларига оид ҳар бир ҳолат оқилона ҳал этилиши ортида боланинг келгуси ҳаёти, унинг фаровон келажаги учун юксак масъулият туради.

Шу нуктага назардан, фаолиятимиз давомидаги мониторинглар, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, болалар билан мулоқотларда уларнинг фикрларини ўрганиш орқали бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича вазиятни тизимли таҳлил қилиб бормоқдамиз. Бола манфаатлари йўналишида давлат органлари айнан қайси муҳим нуқталарга аҳамият бериши зарурлигига эътибор қаратаймиз.

Бола манфаатлари ҳимояси бўйича ўз фаолиятимизни давом эттирган ҳолда, болани зўравонликнинг барча шаклларида, жумладан, рақамли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, боланинг фик-

ри ва овозини тинглаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш йўналишларини муҳим истиқболли вазифа сифатида белгилаганмиз.

Васила АЛИМОВА, Болалар омбудсминининг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили:

— Президентимиз ташаббуси асосида Болалар омбудсминининг ташкил этилиши Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини институционал жиҳатдан мустақамлашнинг муҳим босқичи бўлди.

Болалар омбудсминининг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили сифатида ишимизни ҳудудда давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши ҳолатини таҳлилдан ўтказиб келяпмиз.

Айтиш жоизки, бола ҳуқуқларининг бузилишига оид мурожаатлар сони бошқа вилоятларга нисбатан кўпроқ.

Минтақавий вакилнинг мавжудлиги фуқаролар мурожаатларини тезкор кўриб чиқиш ва ҳал этиш, мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича маҳаллий ташаббусларни илгари суриш имконини бermoқда.

Айни пайтда эса ҳудудий мутасадди давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини рақамли технологиялар асосида тизимли ташкил этиш орқали бола ҳуқуқлари ҳимояси механизмларини янада такомиллаштириш устида ишлаяпмиз.

Ов қилиш ва овчилик хўжалиқлари фаолияти такомиллаштирилади

Мажлисида депутатлар ов қилиш ва овчилик хўжалиқлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси ов қилиш ва овчилик тайёрлаш тартибини тизимлаштириш, соҳага илгор технологияларни жорий этиш, овчилик хўжалиқларида биохимиялиқни сақлаш ва кўпайтириш, ов туризми инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Қурул тўғрисида"ги ҳамда "Ов қилиш ва овчилик хўжалиқи тўғрисида"ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, қонун лойиҳасида ов жараёнлари шаффофлигини оширишга қаратилган нормалар акс этмоқда. Шу билан бирга, овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш қарточкалари)ни бериш махсус электрон дастур орқали амалга оширилиши, улар асосида махсумий ёки бир марталик ов қилиш ҳуқуқи тақдим этилиши кўзда тутилмоқда.

Лойиҳа билан питомникларда етиштирилган ёввойи ҳайвонларни ов жойларига қўйиб юбориш амалиёти қўллаб-қувватланиб, бундай ҳайвонлар ҳисобидан ов қилишни ташкил этишга рухсат берилиши белгиланмоқда. Мазкур ёндашув овлаш билан бир вақтда ёввойи ҳайвонлар захирасини тўлдириш имконини беради.

Одилжон МАМАДАЛИЕВ, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ундаги нормалар депутатлар билдирган тақлиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилди. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жуда муҳим. У ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, овчилик маданиятини ошириш ҳамда соҳанга барқарор ривожлантиришга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий принциплари

Мажлисида "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасида судлар мустақиллигини таъминлашга оид муҳим масалалар — суд ҳоки-

мияти органлари фаолиятини молиялаштиришнинг умумий қоидалари, асосий принциплари такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, молиялаштиришнинг манбаси, асоси ва ўзига хос жиҳатлари аниқлаштирилмоқда.

Хусусан, Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг суд ҳокимияти органларини молиялаштиришга оид қисмини суд ҳокимияти органлари билан келишиш тартиби ҳамда ушбу лойиҳанинг Қонунчилик палатасидаги муҳокамаларида Олий суд, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши ва Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти вакилларининг иштироки назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, суд ҳокимияти органлари фаолияти учун ажратилган маблағларни тақсимлаш ва тасарруф қилиш тартиблари акс этмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ёнгин хавфсизлиги талаблари кучайтирилмоқда

Мажлисида ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёнгинларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш, фуқаролар ҳаёти ҳамда соғлиги, жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш имкониятини берувчи яхлит ёнгин хавфсизлиги борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни чоғда амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, ёнгин хавфсизлиги соҳасида комплекс ҳуқуқий, ташкилий ва профилактик чора-тадбирлар ҳамда механизмларни тўлиқ яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда превентив чораларни кучайтириш зарурати озага келаётир.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят кодексларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Биноларнинг тофасидан келиб чиқиб, техник талаблар, хусусан, ёнғундан қурилиш материалларини ишлатишни тақиқлаш ва ёнгин натижасида етказилган зарарни қоплашдан ташқари айбдордан тоvon ундириш (tort law) институтини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳа билан объектларни ёнгин хавфсизлиги талабларига мослиги бўйича аудитдан ўтказиш тартибини йўлга қўйиш ҳам белгиланмоқда. Шу билан бирга, мутасаддиларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъулияти ва шахсий жавобгарлиги оширилиб, лойиҳа ва қурилиш-пудрат ташкилотлари, кўп квартиралы уйлари бошқаруш органларининг ёнгин хавфсизлиги бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

Қонун лойиҳаси билан фуқароларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари доираси ҳам кенгайтирилмоқда.

Суолтирилган утлеводоруд газини чакана реализация қилиш тартибини бузганлик, ёлғон ёки нотўғри аудиторлик хулосасини тузиш ёки сертификатга эга бўлмаддан аудит оид иштирок этганлик учун жавобгарлик механизмлари такомиллаштирилиб, соҳада превентив чоралар кучайтирилмоқда. Қолаверса, шаҳарсозлик фаолиятида рухсат бериш тартиб-таомилларига ноқонуний аралашганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланяпти.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси ёнгинларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳаёти ва соғлигини ишончли ҳимоя қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича аҳоли ва ташкилотлар масъулиятини янада кучайтириш, соҳада нодавлат сектор иштирокини кенгайтириш ҳамда ёнгин оқибатида етказиладиган зарарлар кафолатли қоплалишига қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси қизгин мунозараларга сабаб бўлди. Депутатлар айрим нормалар, хусусан, назарда тутилмаётган кўп квартиралы уйлари бошқаруш органларининг ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ёнгин аудити билан боғлиқ масалаларни қайта кўриб чиқиш бўйича ўз муносабатларини билдирди. Шунингдек, қонун лойиҳасини тайёрлашда қонунчиликнинг айрим талабларига риоя қилинмагани қайд этилган ҳолда, уни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

АЭРОДРОМ МАХСУС ТЕХНИКАЛАР ПАРКИНИ ЯНГИЛАМОҚДА

"Uzbekistan Airports" АЖ мамлакат аэропортларининг ер усти инфратузилмасини модернизациялаш ва техник жиҳозлашни яхшилашни давом эттирмоқда. Янгилаш дастури доирасида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш ҳамда юк операциялари самарадорлигини оширишга мўлжалланган 8 та махсус аэродром техникаси харид қилинди.



Вазни 150 — 160 тонна бўлган ҳаво кемаларини шатакка олиш учун мўлжалланган "НТМ-Т150" авиация тягачлари, юк кўтариш қуввати 7 ҳамда 14 тоннагача махсус "WGSJ77" контейнер ва паллет орғичлари шулар жумласига киради.

Янги техникалар мамлакатимиз аэропортлари ўртасида тақсимланади. Замонавий махсус техникаларнинг ишга туширилиши ҳаво кемаларига ер усти хизмат кўрсатиш жараёнларини тезлаштириш, хавфсизликни ошириш, шунингдек, йўловчи ва юк рейсларига хизмат кўрсатишда аэропортларнинг ўтказиш қобилиятини кенгайтириш имконини беради.

ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР — АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Хоразм вилоятида аҳолига кўрсатилаётган жамоат транспорт хизматлари сифатини янада яхшилаш мақсадида замонавий автобуслар олиб келиш давом эттирилмоқда.



Хусусан, Урганч шаҳридаги "Opel-Trans" МЧЖ томонидан Хитойда ишлаб чиқарилган "ASIASTAR" русумли замонавий 16 дона автобус олиб келинди. Мазкур автобуслар Урганч шаҳри йўналишлари бўйлаб брутто-шартнома асосида жойлаштирилиши режалаштирилган.

Шунингдек, вилоятда жамоат транспорти хизматлари сифатини ошириш мақсадида Қўшқўпир туманидаги "Zargar Vohra Trans" МЧЖ 12 дона ҳамда Хонқа туманидаги "Asil Javohir Bek" МЧЖ томонидан 5 дона микроавтобус олиб келинди.

Мазкур микроавтобуслар шаҳар атрофи йўналишлари бўйлаб хизмат кўрсатади.

ҚУЁШДАН ҚУВВАТ, ШАМОЛДАН КУЧ ОЛИБ...

Франциянинг "Volitalia" компанияси Гиждувон туманидаги гибрид турдаги электр станциясини қуриш ниятида. Бирининг қиймати 400 млн., иккинчисиники эса 650 млн. АҚШ доллари, дея баҳоланган бу "яшил" лойиҳалар амалга ошса, 2 млн. нафардан зиёд аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади.



Томонларнинг келишувига кўра, дастлаб қуёш электр станцияси ва энергия сатлаш омбори қурилиши бошланади. Шамол станциясини барпо этишга эса 2027 йилнинг учинчи чорагида киришилади.

Ўзбекистон — Франция ўртасидаги серқирра ҳамкорлики мустақамлашга хизмат қилувчи мазкур икки иншоот экологияга эътибор қилиш, инновацион ечимга эга қайта тикланидиган энергия лойиҳаси экани билан ҳам эътиборга молик. Яқинда "Volitalia" компаниясини масъуллари Бухоро вилояти мутасаддилари билан учрашувда узоқ муддатли келишув доирасида амалга ошириладиган ишлар юзасидан фикрлашиб олди.

Бевосита компанияга тўхталадиган бўлса, маълумотларга қараганда, "Volitalia"га 2005 йилда асос солинган бўлиб, ҳозирги кунда дунёнинг 20 та давлатида йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ўзбекистонда ҳам ўзининг гибрид кластеридан электр энергия сотиш бўйича 25 йилга мўлжалланган шартнома тузган.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕК ИПАКЧИЛИГИ РИВОЖИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Ўзбекистон қадимдан Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, ипакчилик ва пиллачилик аънаналари чуқур илдиз отган мамлакат ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу соҳа нафақат маданий меросимизнинг бир қисми, балки иқтисодиётнинг драйвер тармоқларидан бирига айланмоқда.

Президентимиз раислигида ипакчилик соҳасини ривожлантириш бўйича ўтказилган тақдимот ушбу тармоқдаги тизимли муаммоларни бартараф этиш ва янги уфқни белгилаб беришда муҳим қадам бўлди.

Акс садо

Айтиш жоизки, соҳа улкан салоҳиятга эга бўлишига қарамай, узоқ йиллар давомида қатор муаммолар, айниқса, импортга боғлиқлик унинг ривожланишини секинлаштириб келаяпти. Ҳозирги кунда ипак курти уруғининг катта қисми хориждан олиб келинади. Бу эса ишлаб чиқариш тан-наҳрининг ошишига ва ташқи бозор конъюнктурасига боғлиқ қолшига сабаб бўлмоқда.

Қолаверса, озуқа базасининг тақчиллиги, яъни тўтзорларнинг етарли эмаслиги ёки мавжудларнинг самардорлиги пастлиги пилланинг сифати ва ҳажмига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чуқур қайта ишлашнинг етишмаслиги, пилла кўпича хомашё шаклида қолиб кетаётгани ҳам муаммонинг яна бир сабабларидан. Уни юқори кўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот (шойи матолар, кийим-кечак) даражасига олиб чиқиш жараёнлари ҳали тўлиқ шакланмаган.

Тақдимотда муаммолар билан бирга, унинг ечимларига қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Маҳаллий уруғчиликни тиклаш энг асосий мақсадлардан бири бўлиб, 2030 йилга қадар маҳаллий ипак курти уруғидан фойдаланиш даражасини 75 фоизга етказиш вазифаси кун тартибига қўйилди. Бунинг учун Фарғона ва Хоразм вилоятларида насли уруғчилик станциялари қайта тикланди. Жорий йилда Бухоро ва Наманганда, кейинги йилларда эса Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарёда жами 6 та янги уруғчилик корхонаси ташкил этилди. Қолаверса, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар белгилянапти. Соҳага инвестиция ва ишчи кучини жалб қилиш учун мисли қўрилмаган имти-

эришди. Бунга сабаб — япон технологияси. Вьетнамликлар ипакни қайта ишлашда Япония ва Жанубий Корейнинг энг замонавий технологияларини жалб қилишди. Бу эса хом ипакнинг халқаро "6А" (энг юқори сифат) даражасига чиқишини таъминлади. Вьетнам, асосан, Европа ва АҚШнинг хашаматли брендлари учун сифатли хомашё етказиб беришга ихтисослашган.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ипакчилик нафақат аънана, балки юқори фойда келтирувчи инновацион биосаноатдир. Шу боис тақдимотда наслчилик ишларини халқаро стандартларга келтириш учун малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш вазифаси белгиланди. Шунингдек, занжирли

да барқарор бойлигидир. Унга бўлган эътибор мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайди.

Пилланинг сифати ва ҳажми тўғрисида тўғри тўт баргининг сифатига боғлиқ. Шу боис 2026 — 2030 йилларда озуқа базасини тўздан кенгайтириш режалаштирилган. Яқин истиқболда 8 минг гектар майдонда янги тўтзорлар барпо этиладиган бўлди. 41,5 минг гектарда яқка қаторли тўт кўчатлари экилади. 15 минг гектар майдондаги эски тўтзорлар реконструкция қилинади. Ушбу чора-тадбирлар натижасида 2030 йилга бориб 200 млн. тўт тўт кўчати экилиши ва озуқа базаси 30 фоизга ошиши кутилмоқда. Бу эса 2026 йилда 30 минг тонна, 2030 йил-



Ипакчиликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — бу аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрнидир. Янги тизимда кам даромадли ва ихтимойи реестрдаги оилаларга алоҳида эътибор қаратилади. 1 килограмм пилла қийматининг 35 фоизи микдорда давлат субсидияси берилади. Парваришlash жиҳозлари ва ускуналари сотиб оlish учун 20 млн. сўмгача фoисиз ёки имтиёзли ссудалар ажратилади. Бу жараёнларни шаффоф ва манзилли ташкил этишда "маҳалла етиллиги" бевосита кўмакчи бўлади.

“Пилланинг сифати ва ҳажми тўғрисида тўғри тўт баргининг сифатига боғлиқ. Шу боис 2026 — 2030 йилларда озуқа базасини тўздан кенгайтириш режалаштирилган. Яқин истиқболда 8 минг гектар майдонда янги тўтзорлар барпо этиладиган бўлди. 41,5 минг гектарда яқка қаторли тўт кўчатлари экилади. 15 минг гектар майдондаги эски тўтзорлар реконструкция қилинади. Ушбу чора-тадбирлар натижасида 2030 йилга бориб 200 млн. тўт тўт кўчати экилиши ва озуқа базаси 30 фоизга ошиши кутилмоқда.”

ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. “Озуқа базаси — пилла етиштириш — қайта ишлаш — экспорт” занжирини асосида ишлаш тизими жорий этилади. Бу жараёнда ҳар бир босқичда самарадорлигини ошириш ва яқини маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Бу пиллачиликни янада сердаромад соҳага айлантириш имконини беради.

Ипакчилик соҳасидаги ислохотлар фақат иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш эмас, балки минглаб оилаларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш, демакдир. Импортни қисқартириш, маҳаллий уруғчиликни ривожлантириш ва тадбиркорларга берилаётган кенг имтиёзлар яқин йилларда Ўзбекистоннинг жаҳон ипак бозоридаги етакчи ўрнини янада мустақамлашга хизмат қилади. Ипак — бу Ўзбекистоннинг “оқ олтин” билан тенглашадиган, аммо экологик ва ихтимойи жиҳатдан яна-

да эса 36 минг тонна пилла етиштириш маррасига етиш имконини беради.

Соҳадаги тарқоқликка чек қўйиш мақсадида “Ўзбекипансоат” уюшмаси, ҳудудий “Агропилла” тузилмалари ва ипакчилик кластерлари ўзаро мувофиқ ҳолда ишлайдиган яхлит тизим яратилмоқда. Эндилда кластерлар нафақат харид қилувчи, балки тўтзор ташкил этишдан тортиб, пилла етиштирувчиларга илмий ва амалий кўмак беришга ҳам бўлган барча жараёнларга масъул бўлади.

Ўзбекистон ипакчилиги ўзининг янги уйғониш даврига қадам қўймоқда. Тақдимотда пиллачиликни шунчаки кишлоқ ҳўжалиги тармоғидан юқори даромадли соноат драйверига айлантиришнинг аниқ стратегияси белгилаб берилган озуқа базасини кенгайтириш, рақамлаштириш, ихтимойи қўллаб-қувватлаш ва энг муҳими, экспортда тайёр маҳсулот улушини кескин оширишни кўзда тутди.

Бахтиёр НАСИМОВ,
Тошкент тўқимачилик ва энгил соноат институтининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, иқтисодий фанлари доктори, доцент.

Инсон қадр
23 февраль куни Президентимиз фармонида мувофиқ, ҳозирги кунда хорижда меҳнат қилаётган юртдошимиз Хайрулло Ибодуллоев “Жасорат” медали билан мукофотланди. Бу Янги Ўзбекистонда инсон қадрига юксак эътиборнинг яна бир олий намунаси бўлди.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЖАСОРАТЛИ ФАРЗАНДИ

Гап шундаки, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида меҳнат қилаётган Хайрулло Ибодуллоев “Жасорат” медали билан мукофотланди. Бу Янги Ўзбекистонда инсон қадрига юксак эътиборнинг яна бир олий намунаси бўлди.

Гап шундаки, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида меҳнат қилаётган Хайрулло Ибодуллоев “Жасорат” медали билан мукофотланди. Бу Янги Ўзбекистонда инсон қадрига юксак эътиборнинг яна бир олий намунаси бўлди.

Ходиса оқибатида Хайрулло Ибодуллоевнинг қўли ва ювруғлари синиб, шифохонага ётқизилган. 7 ёшли боланинг оёғи синган ва ички аъзолари шикастланган ҳолда жонланган бўлишига оғир хабар берилган. Ҳамюртимиз бола йиқилаётган пайтда уни ушлаб олишга улгурган ва шу билан фожиянинг олдини олган.

Ходиса оқибатида Хайрулло Ибодуллоевнинг қўли ва ювруғлари синиб, шифохонага ётқизилган. 7 ёшли боланинг оёғи синган ва ички аъзолари шикастланган ҳолда жонланган бўлишига оғир хабар берилган. Ҳамюртимиз бола йиқилаётган пайтда уни ушлаб олишга улгурган ва шу билан фожиянинг олдини олган.

Хайруллонинг айтишича, у болага уйга киришини айтган, бироқ бола унинг гапини эшитмаган. Йиқилганидан сўнг, ҳамюртимиз болага биринчи ёрдами бўлган ва жабранувчини қорувулхонага олиб борган ва у ердан “тез ёрдам” олиб кетган. Ўзбекистон фуқароси журналистларга келгусида ҳам фавуқулдада вазиратларда доим ёрдамга тайёрлигини билдирган. Жасорат ва юксак инсонпарварлик ҳеч қачон бeиз кeтмайди. Бинобарин, “RT” халқаро медиа гуруҳининг “Россия сeгунда” “Telegram” канали хабарига кўра, кучи кeча ҳамюртимиз Тигран Кеосаян номидаги махсус мукофотга лoйик кўрилди ва унинг ҳисоб рақамига 1 миллион рубль ўтказиб берилди. “RT” телеканали бош муҳаррири Маргарита Симоньян мазкур мукофот “шунчаки яхши, тўғри

Дилшод КАРИМОВ
«Халқ сўзи».

Бунёдкорлик ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ҚАД РОСТАЛАН МАРКАЗ

Хоразм вилоятининг энг чекка ҳудуди ҳисобланган Тупроққалъа туманида аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, ёшларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда миллий қадриятларни тарғиб этишга хизмат қилувчи замонавий маданий маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қарийб 3,5 млрд. сўм маблаг эвазига бунёд этилган бинода тўғриватмас ҳудудда маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун барча шароит мавжуд.



— Шу вақтга қадар фаолиятимизни вақтинча 6-болалар мусика ва санъат мактаби биносидан давом эттириб келаётган эдик, — дейди маданий маркази раҳбари Руслан Саидов. — Ўз биномизга эга бўлиш жамоанинг иш самарадорлигига, янги иқтидорларни элиб топиб юзага чиқаришга ёрдам беради. Яна бир эътиборли томони, маданий маркази Мунис Хоразмий номидаги истироҳат боғи ҳудудига жойлашган. Бу эса дам олувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришида янада кўралиқ тугдиради. Очилиш маросимида нурунийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Маданий маркази жамоасига янги мусика анжомлари тўплами тўхфа қилинди.

Одилбек ОДАМБОЕВ
«Халқ сўзи».

Интилиш ЯНГИЕРДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

Янгиер шаҳрида қатор йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Шулардан бири — “Saxovat grain” масъулияти чекланган жамиятига тегишли ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасининг қиймати 8 млн. АҚШ долларини, йиллик ишлаб чиқариш қуввати эса 60 минг тоннани ташкил қилади. Ушбу корхона маҳаллий бозорни сифатли маҳсулот билан таъминлайди, экспорт имкониятини ҳам кенгайтиради.

“Ice Eco Fresh” МЧЖнинг кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини музлатиш усулида қайта ишлаш лойиҳаси амалга ошган, қайта ишланган маҳсулотларни 100 фоиз экспорт қилиш режалаштирилган. “Wande Petroleum Technology” МЧЖ томонидан эса нефть маҳсулотлари учун кимёвий воситалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Қолаверса, қурилиш материаллари соҳаси бўйича янги ташаббус амалга ошириляпти. Лойиҳалар қаторида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда логистика марказини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
«Халқ сўзи».

ТАРИХ ВА МАЪНАВИЯТ РАМЗИ

Музейлар бизга ўтмишдан хабар берувчи ойнадир. Улар нафақат қадимги асарларни сақлайди ёки тарихий воқеаларни ёрқин намойиш этади, балки ҳар биримизга ўтмишни ҳис қилиш, унинг сирли ва муҳим лаҳзаларини англаш имконини беради.

Асрлар садоси


Ана шундай кўркам ва маҳобатли музейлардан бири — Нукус шаҳрида жойлашган Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейидир. Ушбу музейга кирган борки, қадимий қўлёзмалар ва асарлар орқали тарихий воқеаларни ўз кўзи билан кўради.

Бино Шарқ мейморчилиги намунасида барпо этилган, олд қисмида саккиз қатор устунлар жойлаштирилган ва деворлари Шарқнинг етти буюк донишманд ва шоирлари — Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Махтумқули, Абай, Бердақ, Жиен Жиров ва Кунҳўжа сиймолари билан безатилган. Музей бир катта ва олтин кичик гўмбаздан иборат. Музейнинг ички деворларида қорақалпоқ халқининг тарихи, миллий ўзлиги ва маданий мероси акс эттирилган. Шунингдек, музейда сақланаётган қўлёзмалар, китоблар ва бебаҳо экспонатлар маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳларнинг диққатини тортади.

— Яқинда Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказига бoрганмизда у ерда Қoрақалпоғистон ҳудудидан топилган қадимги мейморий ёдгорликлар — “Кўйқирилган қалъа”, “Қирқ киз қалъа”, “Тупроққалъа”, “Аяз қалъа”, “Ойбўйир” мейморий ёдгорликларига оид экспонатлар билан танишдик, — дейди музей директори Шаригул Пайзуллаева. — Қадимги Қиёт шаҳрида туғилган буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси, Аҳиниёзнинг шеърлари, қорақалпоқ миллий кийимлари — тақинчоқлар ва нафис нақшлар билан безатилган қўйлақлар намойиши бўлди. Буларни кўриб, ўзимизнинг адабиёт музейида ҳам мультимедиа, LED-экранли экспозиция ташкил этишини ният қилдик. Музейлар — бу фақат сирли кўрғазмалар ва бебаҳо экспонатлар жойи эмас. Улар инсонни ўтмишга олиб бoರುವчи, тарих ва маданият билан боғлайдиган кўп қиррали макон ҳисобланади. Улар орқали биз узоқ даврлардан келган воқеалар, халқнинг гоғялари ва миллий руҳи билан танишамиз. — Тарихий, археологик ва мейморий ёдгорликларни музейлаштириш масаласи ҳам долзарб, — дея давом этади Ш. Пайзуллаева. — Бунинг учун ҳақиқияда ёдгорликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар жамланши, уларнинг суратлари ва макетлари жойлаштирилиши лoзим. Шунингдек, ушбу ёдгорликлар ҳақида халқ орасида сақланиб қолган ривоят ва афсоналар, таникли шоир ва ёзув-



чиларнинг асарлари ҳақида ҳам маълумот бeриб бoриш зарур. Масалан, Қoрақалпоғистонда мардлик ва жасоратни тараннум этувчи “Қирқ киз” қoрақалпоқ халқ достони машҳур. Шунингдек, Аяз қалъа ҳақида Ўзбекистон ва Қoрақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов асари бор. Назлимхон сулув қoрақалпоқ адабиётида садоқат тимсоли сифатида тасвирлаб келинади. Бу мавзуда Қoрақалпоғистон халқ шоирлари Т. Сейтжанов ва



Қ. Давлетназаров ҳам асарлар яратган. Шунингдек, “Қoрақалпоқфильм” киностудияси томонидан ушбу мавзуда бағишланган қисқа метражли фильмлар ҳам суратга олинган.

Ҳозирги кунда Президентимизнинг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда музейлар инфратузилмасини ривожлантириш ва тарихий-мейморий ёдгорликларни асраб-авайлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қoрақалпоғистондаги музейлар ҳам ушбу дастурга қиритилган бўлиб, уларнинг экспозициялари модернизация қилиниб, замонавий технологиялар — интерфaол экранлар ва виртуал экскурсиялар орқали сайёҳлар учун янада қизиқарли тарзда тақдим этилмоқда. Агар музейда республикамиз ҳудудидаги археологик ёдгорликлар макетлари, суратлари ва улар ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда халқимизнинг маънавий бойликлари ҳисобланган ёдгорликларнинг бадиий адабиётда акс этиши ҳам ёритилса, хорижий сайёҳлар ва юртдошларимиз тарихий-мейморий ёдгорликларнинг аҳамиятини адабий тасвири орқали ҳам тушуниш имконига эга бўлар эди.

Файрат ОТАЖОНОВ
«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Миллий университетига россиялик профессор Владимир Львович Квинтнинг икки жилдли «Стратегиялар концепцияси» китоби тақдироти бўлиб ўтди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 684 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳосин кeлишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; кoтoбиxат 71-259-74-53;
эълoнлар 71-259-74-87.

Тахририятга кeлган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва мaълумлига қaйтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб бeрилиши учун оубунани расмийлаштирган ташкилот жаоабгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бeкмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-мaтбаа акциядорлик компанияси масъул. Бoсмахoна телефoни: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислom Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бoзoров.
Мусаҳҳих — С. Ислoмов.

“Шарқ” наشريёт-мaтбаа акциядорлик компанияси бoсмахoнаси. Корхона манзили:
Буюк Турун кўчаси, 41. УЗА якуни — 23.55 Тoпширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6